

## ШАРТНОМА №02

Андижон шаҳар

«14» феврал 2022 й.

Ўз низоми асосида фаолият кўрсатувчи ва кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритиладиган ЯТТ «Саламов Содикжон Кадирджанович» кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо корхонаси раҳбари Саламов Содикжон шахсида бир томондан, ўз низоми асосида фаолият кўрсатаётган ва кейинги ўринларда «Харидор» деб юритиладиган МЧЖ «Уз-Ханву» қўшма корхонаси номидан Бош директори А.А.Абдувалиев иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1. «Сотувчи» ўзининг ишлаб чиқараётган нон маҳсулотларини сотади, «Харидор» эса шартномада кўрсатилган шартларга асосан сотиб олади.
- 1.2. Сотиб олинаётган нон маҳсулотлар нархи шартномага илова қилинган нарх келишув баённомасига асосан белгиланади.

### 2. МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ТУЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ.

- 2.1. «Харидор» ҳар ойнинг 15 кунига қадар кейинги ой учун қатъий буюртма очади.
- 2.2. «Харидор» «Сотувчи» билан ўзаро келишув асосида ойлик эҳтиёжга кўра маҳсулот миқдорини ошириш ёки камайтириш ҳуқуқига эга.
- 2.3. «Харидор» маҳсулот учун туловни тақдим қилинган баённома буйича бир ойлик сотиб олинаётган маҳсулотлар учун олдиндан 50% пул утказиш йули билан амалга оширилади.
- 2.4. Томонларнинг келишувига асосан «Сотувчи» сифатли маҳсулотларни етказиб беради, «Харидор» эса ўз томонидан қабул қилиб, маҳсулотлар учун ҳисоб фактура тақдим қилингандан сўнг, ҳисоб-фактурада кўрсатилган суммага асосан 5 банк иш куни ичида туловни қолган қисмини амалга оширади.
- 2.5 Ҳисоб – китоб тартиби ушбу шартномада кўрсатилган бандларга асосан амалга оширилади.
- 2.6 Шартнома умумий қиймати 220 731 000 сум

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 3.1. «Сотувчи» маҳсулотини ўз транспорт воситаси ёрдамида «Харидор»нинг талабига мувофиқ муддат ва миқдорларда ўз вақтида етказиб беришни зиммасига олади.
- 3.2 «Сотувчи» маҳсулотларнинг сифати буйича тулиқ жавоб беради ва керакли ҳужжатларни тақдим қилади.
- 3.3 «Харидор» маҳсулотларни сифати ва сони буйича текшириб қабул қилиб олади. Ушбу қабул қилиб олиш жараёнида «Харидор» сифат буйича қўйилган талабга жавоб бермайдиган маҳсулотларни аниқласа, маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга. «Сотувчи» эса 3 кун мобайнида сифатсиз бўлган маҳсулотларни алмаштириб беришни ўз зиммасига олади. Акс ҳолда, олиб келинган сифатсиз маҳсулотни 50% қийматида жарима тўлайди.

### 4. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

- 4.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар) тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, мажбурият



бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарликдан озод этилишига хизмат килади.

## 5. НИЗОНИ КУРИБ ЧИКИШ ТАРТИБИ.

- 5.1. Ушбу шартномада келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар ўртасида имкон даражасида келишув асосида хал қилинади.
- 5.2. Низолар келишув асосида хал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий суди томонидан хал этилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. «Сотувчи» ўз вақтида етказиб берилмаган махслотни хар бир куни учун «Харидор»га ўз вақтида етказиб берилмаган махсулот суммасини 0.4% миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўз вақтида етказиб берилмаган махсулот суммасини 20% дан ошиб кетмаслиги керак.
- 6.2. «Харидор» ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун кунига ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов суммасини 0.4% миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов суммасини 20% дан ошиб кетмаслиги керак.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 7.1 Мазкур шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилган бўлиб, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга ва биринчи нусхаси «Сотувчи»да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.
- 7.2 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача давом этади.
- 7.3 Шартнома муддатини узайтириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан икки томоннинг ёзма равишда келишувга асосан кучга эга бўлади.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

### Сотувчи

ЯТТ «Саламов Содикжон  
Кадирджанович»

Ўзбекистон Республикаси Андижон ш.  
Мактаб куча, 45 уй

### Харидор

МЧЖ «Ўз-Ханву» ҚК

Ўзбекистон Республикаси Андижон ш.  
Бобуршоҳ кўчаси, 73  
Телефон: (8 374) 228 07 26

### Банк реквизитлари

«Ипак йули» АИТБ Андижон ф/л  
Андижон шаҳри  
МФО: 01120  
ИНН: 623420904  
Х/р: 20218000904586711004

Сотувчи

М/П

Рахбар  
Саламов С.К.



### Банк реквизитлари

«Капиталбанк» Анд. вил ф-ли.  
Андижон шаҳри  
МФО: 01088  
ИНН: 301 331 806  
ОҚД: 29320  
Х/р: 20214000604803708001

Харидор

М/П

Бош директор  
Абдувалиев А. А.

